ERURSEN SHOH, AGAR OGONSEN SEN, AGAR OGONSEN SEN, SHOHSEN SEN

# Xabar

13 (967)-son
1-aprel
www.xabar.uz
info@xabar.uz
xabar@uzpak.uz
2011

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan

# Таълим ва АКТ

## Мактабларимизда фаолият кўрсатаётган 423 574 нафар ўқитувчининг барчаси АКТдан фойдаланишни ўрганади



**2010 йилнинг 17 декабр куни Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Юртбошимиз Ислом Каримов ўқитувчиларни дарсларга тайёргарлик кўришда интернетдан фаолроқ фойдаланишга ва олинган билимларни ёшларга етказишга чақирганди: “Буюк Британияда, Америкада нималар бўляпти, Германияда нима янгиликлар бор, қайси журналда сизни қизиқтирадиган маълумот пайдо бўлди? Бу маълумотларни топиб, сўнг тайёрланиш керак, уларни болалар билан баҳам кўриш, шу мавзуда суҳбатлар ўтказиш керак... Очиқ ва холис айтадиган бўлсак, бугунги кунда талабалар компютерда ишлашни ўқитувчилардан кўра анча яхши билади. Ўқитувчиларнинг обрўсини ошириш учун бу масала устида доимий иш олиб бориш лозим”.**

5-бет



Алоқа оламида:

## Сўнгги янгилик!

Apple компанияси ўзининг AirPlay сервиси имкониятларини кенгайтиради, энди симсиз тартибдаги видео оқими нафақат iPhone ёки iPadларга, балки оддий телевизорларга ҳам узатилиши мумкин. Бунинг учун маиший бозор ишлаб чиқарувчилари учун ҳам AirPlay дастурий таъминоти лицензиялаштирилиши керак.

Аксарият таҳлилчилар AirPlay технологияси келажагига катта умид билдиришяпти, айтишларича, унинг хонадон қурилмаларигача кириб боришидан ҳам ишлаб чиқарувчилар, ҳам компаниянинг ўзи жуда катта фойда олиши мумкин экан.

## Ушбу сонда:

Жамоа шартномалари ва кадрлар захираси 2

Бурч масъулияти 4

Философия дата-центра: что на самом деле нужно бизнесу? 6

Дисплейда қуёш батареяси 11

Янги фан доктори 14

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

Интернет ҳамкоримиз UzNet Internet Service Provider сифат рамзидир

## Jumadan Jumagacha

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 23 март куни Оқсаройда АҚШнинг "Honeywell" корпорацияси раиси ва ижрочи директори Дэвид Коут раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди. Мулоқот чоғида "Honeywell" корпорацияси делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи доирасида нефт-газ, кимё, авиация ва саноатнинг бошқа тармоқларига доир лойиҳаларни амалга ошириш бўйича қатор ҳужжатлар имзолангани мамнуният билан қайд этилди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 24 март куни Оқсаройда расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Юсуф Ризо Гилонийни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон — Покистон муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболлари, шунингдек, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 март куни Оқсаройда ЕХҲТнинг камсонли миллатлар масалалари бўйича Олий комиссари Кнут Воллебекни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан ЕХҲТнинг камсонли миллатлар масалалари бўйича Олий комиссари идораси ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболларига оид, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар кўриб чиқилди.**

Жорий йилнинг 25-26 март кунлари пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Сенатнинг икки кунлик ялпи мажлиси мобайнида 20 дан ортиқ масала, шу жумладан, 11 қонун кўриб чиқилди.

**Мамлакатимизга ташриф буюрган ЕХҲТнинг камсонли миллатлар масалалари бўйича Олий комиссари, элчи Кнут Воллебек раҳбарлигидаги делегация 28 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Сайёра Рашидова билан учрашди. ЕХҲТ делегацияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Республика Байналминал маданият марказида ҳам музокара ўтказди.**

Тошкент шаҳрида жорий йилнинг 25 март куни Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Кенгашининг навбатдаги ўн саккизинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси вакиллари иштирок этди.

**Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳридаги "Металлург" маданият саройида "Биз — 20 ёшдамиз" деб номланган ёшлар акцияси бўлиб ўтди. Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган мазкур тадбир "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази, "Меҳр нури" хайрия жамғармаси ҳамда "Аёллар кенгаши" Республика жамоат бирлашмаси томонидан ташкил этилди.**

HAY'AT YIG'ILISHIDA

# Жамоа шартномалари ва кадрлар захираси

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг навбатдаги Ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Агентлик Бош директорининг биринчи ўринбосари А.Ишанходжаев бошқарди.**

Ҳайъатда дастлаб "2010 йилда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши ўртасида 2009-2011 йилларга тузилган Тармоқ келишувининг бажарилиши тўғрисида" Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши раиси Т.Тешабоевнинг маърузаси тингланди. Маърузачи Келишув ва Жамоа шартномалари меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни нафақат тартибга солувчи, балки уларнинг барқарорлигини таъминловчи ички меъёрий ҳужжат сифатида муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида қайд этди.

Ўзбекистон Республикасида "Ижтимоий шерикчилик" тамойили тобора ривожланиб бораётганлигининг далили тариқасида Ҳукумат, Савдо палатаси ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ўртасида Бош келишув жорий йилнинг 28 февралида имзоланганлиги мисол бўла олади. Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши ва соҳанинг барча компания ва жамиятлари ўртасида 2009-2011 йилларга мўлжаллаб тузилган Келишув ва Жамоа шартномларининг 2010 йилда бажарилиш якунлари корхона, ташкилот ва муассасаларнинг меҳнат жамоалари йиғилишида кўриб чиқилди. Келишув ва Жамоа шартномаларининг 2010 йил якуни бўйича бажарилиши ҳисобига, алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимларининг ўртача иш ҳақи 322,9 минг сўмни ташкил этди, бу эса Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 6,7 баробарига тенг ёки 2009 йилга нисбатан 1,34 баробарга ошди. Бундан ташқари, соҳа ходимларининг ҳар ойда ўз маошига қўшимча равишда ўртача 138,2 минг сўмдан олгани ҳам Келишув ва Жамоа шартномалари талабларига мос келади.

Келишув ва Жамоа шартномаларининг яна бир муҳим жиҳати – ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва спорт-соғломлаштириш ишларини давр талаблари даражасида ташкил этишга қаратилган. Ушбу йўналишдаги ишларни жонлантириш юзасидан "Баркамол авлод йили Давлат дастури"да белгиланган бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Масалан, ишчи-ходимларнинг, айниқса, ёшларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказиш мақсадида юртимизнинг тарихий қадамжоларига 680 нафар ходимнинг зиёратлари уюштирилди. Ходимларнинг 6216 нафар фарзандлари ёзги таътилни соҳа оромгоҳларида мазмунли ўтказдилар. Ҳисобот даврида соҳа йўналишида таълим олаётган талабалар ўртасида спорт фестивали, Баркамол авлод йилига бағишланган уч босқичли соҳа спартакиадалари ва минифутбол ўтказилди ҳамда ушбу тадбирларга 56 млн. сўмдан зиёдроқ маблағ сарфланди.

Юқорида қайд этилган ижобий натижалар билан бир қаторда, ҳисобот даврида Келишув ва Жамоа шартномаларида белгиланган мажбуриятларни айрим корхона, ташкилот ва филиалларда қисман бажармаслик ҳолатлари мавжудлиги аниқланди. "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Навоий ва Жиззах филиаллари, "Тошкент Телеком" филиали ва бошқа айрим вилоятлар алоқа корхоналарида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш учун Жамоа шартномаларида белгиланган миқдордан кам моддий ёрдам берилган. Бундан ташқари, айрим вилоятларда спорт йўриқчиси лавозими фаолияти тўхтатилган ва бу лавозим мавжуд бўлган вилоятларда эса молиялаштиришда муаммоларга дуч келинмоқда.

Жойларда ўтказилган 2010 йил Жамоа шартномаларининг бажарилиши бўйича меҳнат жамоаларининг йиғилишларида ушбу камчиликларни бартараф этиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда, шунингдек, "Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимидаги акциядорлик компаниялари ва жамиятлари, корхона, ташкилот ва муассасаларда раҳбар кадрлар захираси ва уларни тайёрлаш ҳолати таҳлили тўғрисида"ги масала ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Бу ҳақда Агентликнинг Кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўлими бошлиғи Ф.Сафарова ахборот берди.

Агентликнинг 2010 йил 23 апрелдаги 168-буйруғининг 5-иловасига мувофиқ, "Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бошқарув кадрлар захирасини шакллантириш ва тайёрлаш тартиби тўғрисида Низом" тасдиқланган. Шунингдек, барча корхоналарда кадрлар захирасини шакллантириш бўйича ички меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва ишда қўлланилмоқда.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тизимидаги корхоналарда раҳбарлик лавозимларига кадрлар захирасини шакллантиришда белгиланган мезон, талаб ва яқин келажакдаги эҳтиёжи номзодларнинг раҳбарлик ва ишбилармонлик сифатларини эътиборга олган ҳолда ёндашилмоқда. Жумладан, захира рўйхатига киритилган жами 2027 нафар номзоддан 22 фоизини 25-30 ёшдаги, 34 фоизини 30-40 ёшдаги, 17 фоизини 40-45 ёшдаги, 19 фоизни 45-50 ёшдаги, 8 фоизини 50 ва ундан юқори ёшдагилар ташкил этади.

Кадрлар захирасига киритилган номзодлар таҳлили шуни кўрсатдики, 2010 йил давомида номзодларнинг 2194 нафаридан 156 нафари (7 фоизи) юқори лавозимга ўтказилган, 6 нафари билан меҳнат шартномаси бекор қилинган, 39 нафарига интизомий чоралар кўрилган. Ўтган йилда соҳа бўйича жами 287 нафар захирага киритилган номзодлар малакаси оширилган ва қайта тайёрланган. Бироқ, шуни айтиб ўтиш лозимки, барча корхоналарда захирадаги номзодлар билан ишлаш, захирадаги кадрни белгиланган муддатда таклиф этилаётган лавозимга тайёрлаш, уларда раҳбарлик кўникмаларини, касбий лаёқати ва билимларини кенгайтириш, уларнинг ўз устида ишлаши назоратини олиб боришда захирага киритилган лавозимни эгаллаган раҳбарнинг ҳамда масъул ходимнинг иштироки суст бўлмоқда.

Ҳайъатда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

# Танлов ғолиби пойтахтга боради

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини қондириш, аҳолини кенгроқ ва тизимли ахборот билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ахборот олиш маданиятини шакллантириш, ахборот-ресурс марказлари ишини янада яхшилаш, ходимларнинг ижодий ташаббускорлиги ҳамда изланишларини такомиллаштириш мақсадида ахборот-ресурс марказлари ўртасида "Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази" республика кўрик-танловининг Навоий вилояти босқичи бўлиб ўтди.

Кўрик-танловда туман босқичида ғолиб бўлган еттита ахборот-ресурс маркази иштирок этди. АРМлар бешта шарт бўйича ўзаро беллашдилар. Ҳар бир шарт вилоят АКМ ҳамда АРМ мутахассисларидан ташкил топган танлов ҳайъати аъзолари томонидан адолатли баҳолаб борилди.

Беллашув натижаларига кўра, энг кўп балл тўплаган Навоий маданият ва санъат коллежи ҳузуридаги АРМ 1-ўринни эгаллади ва республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Шунингдек, кўрик-танловда фаол иштирок этган Конимех иқтисодиёт коллежи ҳамда Кармана саноат ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ҳузуридаги АРМлар тенг миқдорда балл тўплаб 2-ўринга, Қизилтепа маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ҳузуридаги АРМ 3-ўринга лойиқ деб топилди. Ғолиблар мақтов ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

***Жамила БОБОМУРОДОВА,***
***Навоий вилоят АКМ илмий-услубият бўлими мудири***

AKMLAR HAYOTIDAN

# Илму донишмандлик хазинаси

**Хоразм вилоят ахборот-кутубхона маркази ҳамиша одамларга тўла. Турли ёшдаги инсонлар, мутахассислар, ёш олимлар, мактаб ўқувчилари бу ерга маънавий озуқа ва билим олиш учун келадилар. Китоб ўқиш орқали қадимий меросимизни, қадриятларимиз ва урф-одатларимизни ўрганадилар.**

Марказнинг бир асрга яқин фаолияти давомида ярим миллионлик фонд жамланган. Вилоят ҳокимининг 1993 йил 6 апрелдаги “Нодир қўлёзма адабиётларни йиғиш ва уни умумхалқ мулкига айлантириш ҳақида”ги 46-қарори ижроси борасида ҳам бир қатор ишлар олиб борилиб, ахборот-кутубхона марказида “Нодир адабиётлар” бўлими ташкил қилинди. Ҳижрий 1266-йилларда чоп этилган нодир асарлар ҳозирги кунда ҳам сақлаб келинмоқда. Ушбу бўлимнинг ишини яхшилашда Урганч Давлат педагогика университети доценти, шарқшунос олим Абдулла Аҳмедовнинг хизматлари жуда катта бўлмоқда.

АКМ нодир адабиётлар бўлимида 2000дан зиёд адабиётлар мавжуд, шулардан 600дан ортиғини нодир китоблар, қадимий қўлёзмалар ташкил этади. Уларнинг аксарияти музейга қўйилган бўлиб, тошбосмаларини ҳам, қўлда кўчирилганларини ҳам учратиш мумкин. Улар орасида араб, қозоқ, татар, инглиз, немис, рус тилларида чоп этилган асарлар, Имом Абу Исо Термизийнинг 1200 йилга оид араб тилида ёзилган “Шимолия Муҳаммаддин”, Суфи Оллоёрнинг 1826-йилда тошбосмада чоп этилган «Турки тили», 1898 йилда Берлинда чоп этилган Эмилнинг «Париж» китоби, 1910 йилга тегишли «Париж ва Вена тарихи» китоби ҳам бор.



Ҳозирги кунда жаҳон адабиётининг нодир асарларидан бири — 1899 йилда тошбосмада чоп этилган Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарининг электрон нусхаси ҳам яратилди.

Электрон каталогга ўзбек ва рус тилларида 2000 номдаги адабиётларнинг библиографик ёзувлари киритилди. Шулардан 582 номдаги ноёб ва нодир асарларни, 140 номдаги араб тилидаги ва 553 номдаги рус тилидаги асарларни санаб ўтиш жоиз.

Вилоятда ижод қилиб яшаётган олимлар, шоирлар, ёзувчилар, соҳа ходимлари ҳам вилоят ахборот-кутубхона марказига ўзлари ёзган илмий асарлари, ҳикоя, роман ва шеърлари чиққан китобларни ҳадя қилишмоқда.

*З. МАШАРИПОВА,*
*Хоразм вилоят АКМнинг фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш бўлими мудири*

NAVRO'Z SHODIYONALARI

**Наврўз байрами арафасида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Навоий филиали жамоаси ва барча шаҳар, туман почта алоқаси тармоғи ходимлари иштирокида хайрия ҳашари ўтказилди. Мазкур ҳашарда почта алоқаси объектлари атрофларида кенг кўламдаги тозалик ва ободончилик ишлари амалга оширилди. Бино атрофидаги дарахтлар оқланди. Шунингдек, филиал учун ажратилган 5 гектар Почта боғида ҳам ободончилик ишлари амалга оширилиб, 600 дона қўшимча равишда дарахт қаламчалари ўтказилди.**

# Навоийдан Томдигача...

Жамоада қадимий ва навқирон, баҳор ҳамда янгиланиш айёми Наврўзи олам ҳам баҳорий хушкайфият билан қарши олинди. Навоий шаҳар истироҳат боғида "Наврўз" байрам тадбири ўтказилиб, унда филиал ва почта алоқаси тармоғи ходимлари фаол иштирок этдилар. Тадбирни филиал директори Йўлдошмурот Жўлиев очиб, барча почта ходимларини Наврўз байрами билан табриклади.

Байрам дастурхони почта ходимларининг ўзлари тайёрлаган баҳорий тансиқ ва миллий таомлардан сумалак, хоним, манти, кўк сомса ва бошқа пишириқлар билан безитилди. Шунингдек, Навоий вилояти алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси томонидан ташкил этилган миллий спорт ўйинлари тадбирнинг янада кўтаринки руҳда ўтишини таъминлади.

Спорт ўйинларидан арқон тортиш ва тош кўтариш беллашувлари жуда қизиқарли кечди. Арқон тортиш мусобақасида Аҳрор Абдусаломов бошчилик қилган гуруҳ аъзолари Маъмур Обидов, Адиз Исломов, Нурали Раҳимов, Баҳодир Давроновларнинг қўли баланд келиб, ғолибликни қўлга киритдилар. Тош кўтариш мусобақасида эса Санжар Ҳасанов, Машраб Расулов, Элёр Абдиев, Нурали Раҳимов ўзаро куч синашдилар. Ушбу мусобақада Навоий шаҳар ПАТнинг почта хавфсизлиги техниги Машраб Расулов ғолибликни қўлга киритди. Мусобақанинг барча ғолиблари вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси томонидан тайёрланган қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Севимли санъаткорларнинг дилрабо куй-қўшиқлари тадбирга янада кўтаринки руҳ бағишлади.

Эзгу ва улуғ байрам шукуҳи Навоийдан бошланиб, Қизилқумнинг олис бурчаклари, Томдининг овулу кенг яйловларида давом этмоқда.

*Маруса ҲОСИЛОВА,*
*"Xabar"нинг Навоий вилоятидаги мухбири*

**ФАКТ**

**31 мартга келиб UZ худудидаги фаол доменлар сони 11 678тага етди.**

**2011 йил бошидан буён доменлар сонининг кўпайиши: 588тани (5,3фоиз) ташкил этди.**

## Алоқачилар чет тилларини ўрганади

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Қашқадарё филиалида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолият юритаётган раҳбар ва мутахассис ходимларнинг чет тиллари бўйича билимларини ошириш маркази ташкил этилди.

Қарши давлат педагогика университети билан ҳамкорликда иш бошлаган ушбу ўқув марказида ҳозирги кунда 15 нафар мутахассис ҳафтанинг чоршанба, шанба кунлари малакали ўқитувчилардан инглиз тилидан сабоқ олишяпти.

*Pochta.uz*

# Эккан ким-у ўрган ким?

“Ҳар ким экканини ўради”, дейди доно халқимиз. Ҳақиқатан ҳам, тинчгина тадбиркорлик қилиб, пул топаётган, оиласини боқаётганлар қайда-ю эгри фикр, эгри хаёл билан қинғир ишга бош суққанлар қаёқда. С. ва Н.Бешимовлар (мақоладаги барча исм-шарифлар ўзгартирилган) А.Соипов ва уларнинг “пешво”си Ж.Усановлар “қуруғи” кетидан қувиб, сувга тушганлардан...

Аслида олий маълумотли Собир тузукроқ иш топиб, ҳалол меҳнат қилса ҳам бўларди. Лекин у борига барака қилиш ўрнига, кўпроқ пул топишни ўйлади. Яккасарой туманидаги хонадонига компютер, диск ёзиш мосламаларини олиб келиб, укаси ва дўсти Алибекни шерик қилди. Улар биргалашиб, турли аудио-видео маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цех ташкил қилишди. Ўзбек ва хориж хонандаларининг концерт дастурлари, бадиий ва ҳужжатли филмлар муаллифлик ҳуқуқи поймол қилинган ҳолда ишлаб чиқарила бошланди. Шоввозларга тайёр маҳсулотларни сотиш ҳам муаммо туғдирмади. Сабаби, улар аллақачон “Ўрикзор” бозоридан “точка” олиб қўйишган эди. Тўғрироғи, ноқонуний дискфурушлар “Ўрикзор”даги шериклари Ж.Усанов билан дўкон ижараси хусусида гаплашиб қўйишгани етмагандек, “ижарачи”нинг ўзи ҳам қонунбузарларга бевосита шерик эди.

Бозорнинг қоқ ўртасида жарақ-жарақ пулга кўлбола диск сотаётган бели оғримаган кимсалар қайсидир ижодкорнинг кечани кеча, кундузни кундуз демай, йиллаб қилган меҳнатини арзимаган пул эвазига кўкка совураётганини қаёқдан ҳам билишсин?! Уларга озгина фойда бўлса-ю, ҳеч ким мушугини пишт демаса.

Шаҳар бедарвоза эмас. Департаментнинг Яккасарой тумани ходимлари юқорида тилга олинган қонунбузар дискфурушларнинг қора қилмишини навбатдаги тезкор тадбирлари орқали фош этишди. Бир неча ой давомида миллионлаб ноқонуний даромад топган қўштирноқ ичидаги тадбиркорлар далилий ашёлари билан қўлга олинди. Бозор ва Яккасарой туманидаги хонадондан топилган дисклар, ишлаб чиқариш учун керакли мосламалар ва турли этикеткалар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.



Суд ҳукмига кўра, қонунбузарларга тегишли жазо тайинланди. Далилий ашё сифатида олиб қўйилган 14 турдаги, 4512 дона диск маҳсулотлари эса йўқ қилинди.

*Зокир ХОДЖАЕВ,*
*Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти Тошкент шаҳар Яккасарой туман инспектори*

Xabar
2011-yil 1-aprel, 13 (967)-son



**В последние полтора-два года международный рынок дата-центров демонстрирует значительное оживление. Со стороны ведущих игроков западного ИТ-рынка все чаще приходится слышать о разработке концепции модульных дата-центров. Весной 2010 г. с аналогичным заявлением выступила и российская компания Stack Group, которая уже несколько месяцев спустя реализовала на практике «боевой» вариант такого дата-центра. О том, что на самом деле включает в себя концепция модульного дата-центра, о чем следует задуматься и производителям, и заказчикам, и как современный мир меняет подход к дата-центростроению, CNews рассказал Сергей Лысаков, генеральный директор Stack Group.**

# Философия дата-центра: ЧТО НА САМОМ ДЕЛЕ НУЖНО БИЗНЕСУ?

**— В прошлом году, представляя концепцию «куба», вы говорили о том, что в течение 2010 года планируете запустить несколько модульных дата-центров с использованием новой технологии. После сообщения о запуске прототипа «кубического» МДЦ заявлений о вводе в эксплуатацию полноценной площадки так и не прозвучало. В чем причина? Что-то помешало осуществить задуманное? Или претерпел изменения сам проект?**

— Все, что касается модуля — его функционала, адаптивности, энергоэффективности, способности к масштабированию — подтвердилось в полном объеме. Более того, после того, как нами был собран и запущен при полной нагрузке прототип предлагаемого МДЦ, мы увидели, что это решение несёт в себе гораздо больше возможностей, чем мы ожидали в своих самых смелых мечтах. Несложные расчёты по результатам проведенных летом испытаний показали, что наш модуль на 25 стоек по эффективности вполне может заменить 100 стоек традиционного дата-центра. После этого мы еще больше утвердились в своих намерениях запустить в сентябре-октябре реально действующий узел SDN.

Но не все и не всегда зависит от нас. В процессе реализации проекта мы столкнулись с двумя проблемами: где строить и откуда брать комплектующие. «Неожиданным» (а на самом деле вполне ожидаемым) для нас стало то, что довольно сложно оказалось подобрать в России соответствующего производителя, который обеспечил бы потоковое производство необходимых компонентов. Но этот вопрос в итоге удалось закрыть. Осталось понять, где именно строить. У нас на выбор было несколько площадок — каждая со своими плюсами и минусами. Но в силу административных изменений в столице каждая из рассматриваемых площадок получила ограничения, скажем так, «не совместимые с жизнью будущего дата-центра». Тем не менее, нет худа без добра. Можно даже сказать, что нам повезло в том, что мы не кинулись с наскока реализовывать проекты, а взяли «вынужденный» тайм-аут. Это время было использовано и для изучения открывшихся возможностей «кубического» МДЦ, и для того, чтобы доказать, что модульная концепция — наиболее правильная на данный момент...

**— Доказать кому?**

— Всем без исключения — клиентам, партнерам, в том числе и западным, причем иногда весьма авторитетным в этой области. У нас был запрос от одной западной компании на достаточно большое количество стоек. К нам пришли их лидеры. Мы им говорим: «Ребята, мы «старые» дата-центры больше не строим, мы модулями». — «Ну да, хорошо, классно, замечательно!» Ходили, смотрели, цокали. И в итоге выдали «а не могли бы вы нам «старые» построить?». В данном случае это даже не вопрос стоимости — привычка, менталитет.

**— Насколько мы знаем, сейчас о модулях говорят практически все.**

— Да, модульные дата-центры входят в моду. В прошедшем году, было много заявлений о модульной концепции. Но, как только начинаешь разбираться в сути предлагаемого решения, то понимаешь, что на самом деле речь идет не о коренных преобразованиях, а об усовершенствованных вариантах стационарных или контейнерных дата-центров. С одной стороны, это явный прогресс, но с другой — решение довольно узкой задачи, которая привязана к бизнесу конкретной компании, владеющей площадкой. Но на самом деле сегодня необходимо акцентировать внимание не только на дата-центре, но и на переосмыслении ИТ-инфраструктуры в целом. В этом плане 2010 год дал нам — стране, ИТ-рынку, рынку ДЦ-услуг — очень много. Происходит некий перелом в мышлении: компании, бизнес, государство — начинают понимать, что дата-центр — это не только, грубо говоря, стенки с кондиционером и дизелями, а некая базисная основа ИТ-инфраструктуры, на которой происходит все остальное. Все постепенно осознают, что ключевой момент инфраструктуры — не здание, не помещение. Построить где-либо площадку — скажем так, не великий подвиг. Нужно понимать, как это будет использовано и интегрировано в том или ином месте, в те или иные процессы.

Задача (или, если хотите, миссия) Stack Group, как лидера своего сегмента рынка — подать пример, показать, что и как можно сделать. Нам не впервой ломать стереотипы. В этом смысле положительным является тот факт, что заинтересованность в наших инновациях демонстрируют и регионы.

**— Вы работаете с госсектором?**

— Мы общаемся и с частными компаниями, и с госсектором. Однако надо понимать, что госсектор сам по себе не может оказывать ИТ-услуги. От государства требуется в первую очередь создать условия. Хочется отметить, что в некоторых регионах госслужащие, отвечающие за ИТ, очень хорошо понимают, что нужно привлекать именно тот опыт, который успешен сам по себе и у которого есть перспективы. Я надеюсь, что у нас, в Москве (да и не только в Москве) будет то же самое. Невозможно сразу все изменить. Тем не менее, несмотря на очевидный прогресс, на ИТ-рынке порой все еще сохраняется ситуация, когда внедрение пресловутых новшеств происходит на уровне, скажем так, «Запада много лет назад». Это не может не тревожить. Так мы никогда не приблизимся к тому уровню, который нам нужен. Мы начинаем опаздывать на самых ключевых вещах и закладываем отставание в наших новых решениях.

...Мы хотим показывать пример (что мы, собственно, и делали раньше), как и куда надо двигаться. Однажды взяв на себя ответственность быть первыми, мы считаем себя не вправе снижать планку. Для нас важно запускать именно такие решения, которые стоят того, чтобы их повторяли. Мы много раз говорили о том, что и как нужно строить, о модульной концепции, мы всем показываем наши дата-центы и говорим, как не надо делать. А делают ровно так же, как мы строили раньше. В первую очередь потому, что повторить уже пройденный кем-то путь — пусть не идеальный, но апробированный — значительно легче. А бизнес ради бизнеса — это тупик. Да, с точки зрения «железа» они должны быть модульные и пр. Но это только часть инфраструктуры. Основа инфраструктуры — в том, что на ней будет развиваться и как. Об этом пока никто даже не пытается думать. Во всяком случае, то, что в реальности происходит на рынке, говорит о противоположном. Закостенелых проектов в области дата-центров быть не может. Это живой организм, он должен жить и постоянно модифицироваться.

Необходимо задуматься не просто о «железе», а о том, для чего оно необходимо. Понятно, что в проверенное и многократно тиражированное инвестировать безопаснее. Тем не менее, настала пора осмысливать, что движет развитием инфраструктуры и как обеспечить связность сегодня и завтра, чем различаются дата-центр как таковой и тот процесс, который мы вкладываем в наш дата-центр. Если мы не будем говорить об этом, мир продолжит тиражировать морально устаревшие решения. Возможно, звучит несколько амбициозно, но кто сказал, что здоровые амбиции — это плохо? По сути 20-летняя история нашей компании успешно состоялась именно благодаря смелым амбициям и энтузиазму.

> **Просто сделать один дата-центр – это полдела. Главное – обеспечить направление, в какую сторону двигаться.**

**— То есть вы предлагаете верить в то, что еще не проверено временем, по сути — в некоторую абстракцию?**

— Ну, в данном случае это уже не абстракция, а вполне конкретная физическая сущность. Конечно, сейчас важно сделать объект, поставить хотя бы 500 стоек. Сомнений в том, что это будет работать, нет. Мы специально спроектировали наше решение так, чтобы в нем (в модуле) использовались общедоступные материалы и компоненты. Понятно, что мы выбирали оборудование, которое будет работать как минимум 10 лет. Более того, благодаря тому, что мы столь щепетильно подошли к подготовке своего проекта и выбору площадки, мы увеличили кредит доверия к себе и со стороны партнеров, и со стороны инвесторов. С нами сейчас разговаривают не просто как с людьми, которые обещают нечто — дайте нам триллион, мы перевернем мир. Нас воспринимают как команду, которая в состоянии реально спрогнозировать, спроектировать, реализовать, и в действительности может сделать гораздо больше. Мы предприняли очень большое количество усилий для того, чтобы изменить философию инфраструктуры. Просто сделать один дата-центр — это полдела. Главное — обеспечить направление, в какую сторону двигаться.

*CNews.ru*

## O'ZBEKISTON

05.55 Кўрсатувлар дастури.
06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.00 "Иқлим".
07.05 "Олам ва одам" дастури: "Замин фаройиботлари".
07.20 "Кўнгил қўшиқ истайди".
07.25 "Сўнгги қиролича". Т/с.
08.00 "Ахборот".
08.40 - 09.25 "Маънавият" дастури.
09.25 "Болалар дунёси".
09.50 Сирдарё вилоят телерадиокомпанияси намойиш этади.
10.10 "Менинг маликам". Т/с.
10.55 "ТВ - шифокор".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Комиссар Рекс". Т/с.
11.50 "Ахборот" /инглиз/.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
12.50 "Кўнгил қўшиқ истайди".
13.00 Миллий сериал: "Қалдирғочлар яна қайтади".
"Болалар сайёраси":
13.35 "Зумраша". Т/с.
14.00 "Ахборот".
14.20 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
15.05 "Иқлим".
15.10 Жаҳон мусиқаси хазинасидан. Ж. Массне. "Вертер". 1-қисм.
16.10 "Тезкор хабарлар".
16.25 "Стандарт ва сифат".
16.40 "Икки дарё оралиғида".
17.00 "Ахборот".
17.15 "Тарих кўзгуси".
"Болалар сайёраси":
17.35 "Эртаклар - яхшиликка етаклар".
17.55 "Иқлим".
18.00 "Кўнгил қўшиқ истайди".
18.10 "Сўнгги қиролича". Т/с.
18.45 "Камолот остонаси".
19.05 "Кун мавзуси".
19.15 "Иқлим".
19.20 "Сизнинг адвокатингиз".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.10 Миллий сериал: "Қалдирғочлар яна қайтади".
20.40 "Олтин мерос".
21.00 "Ахборот".
21.40 "Ҳаёт қўшиғи".
21.55 "Менинг маликам". Т/с.
22.40 "Иқлим".
22.45 "Комиссар Рекс". Т/с.
23.30 - 23.35 "Очун".
23.35 Кўрсатувлар дастури.
23.40 "Иқлим".
23.45 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
00.35 "Камолот остонаси".
00.55 "Кўнгил қўшиқ истайди".
01.00 "Ахборот" /рус/.
01.35 - 02.35 "Маънавият" дастури.
02.35 "Тошкент нонлари".
02.55 "Олтин мерос".
03.10 "Ассалом, Ўзбекистон!"
04.00 "Ахборот".
04.35 Миллий сериал: "Қалдирғочлар яна қайтади".
05.05 "Иқлим".
05.10 "Кунларнинг бирида. "
05.25 "Икки дарё оралиғида".
05.45 - 05.55 "Очун".

---

05.55 "Дастурнинг очилиши".
06.00 "Тараннум".
06.50 "Мультипанорама".
07.30 "Табассум қил!"
07.40 "Ёшлик наволари".
08.00 "Кумуш". Т/с.
08.50 "Кулол ва гўзал".
09.10 "Мўъжизавий дунё".
10.00 "Давр".
10.10 "Давр мавзуси".
10.30 Миллий сериал: "Ҳаёт сабоқлари".
11.10 "Кичкинтойлар боғи".
11.30 "Мультипанорама".
11.50 "Қашқадарёда Наврўз".
12.10 "Сарой шамоли". Т/с.
13.00 "Давр".
13.10 "Ёшлик наволари".
13.30 "Ҳаёт-мамот". Т/с.
14.20 "Афсона ва ҳақиқат".
14.50 "Миллий мерос".
15.00 "Бухорои Шариф".
15.50 "UzEX".
16.00 "Давр".
16.10 "Сузуран". Т/с.
16.40 "Баркамоллик йўлидан".
17.00 "Ишқ риштаси". Б/ф. 2-қисм.
18.30 "Автопатруль".
18.50 "UzEX".
19.00 "Давр".
19.30 "Кумуш". Т/с.
20.20 "Ёшлик наволари".
20.40 "13-студия".
21.10 "Сарой шамоли". Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Сузуран". Т/с.
23.10 "Ёшлик наволари".
23.30 "Ҳаёт-мамот". Т/с.
00.20 "Ҳаётбахш наволар".
01.10 "Мўъжизавий дунё".
02.00 "Давр".
02.30 "Рисолалагидек одам". Б/ф.
04.10 Миллий сериал: "Ҳаёт сабоқлари".
04.40 "Сайқал".
05.00 "Тинч океани". Х/ф. 2-қисм.
05.50-05.55 "Юрт тинчлиги".

## TOSHKENT

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30 "Салом, Тошкент!"
8.30 Тошкент тароналари.
8.40 М/с: "Айиқча Гамми". 125 қисм.
8.50 "Тақдир тухфаси". Т/с. 29- қисм.
9.10 "Интервью".
9.20 "Интеллектуал аукцион".
9.30 "Пойтахт".
9.40 "Бизнес- пойтахт".
9.45 Миллий т/с: "Дил пайванди". 19- қисм.
10.10 Хор жамоасининг концерти.
10.30 "Пойтахт". /рус/.
10.40 "Джейн Эйр". Т/с. 1-қисм.
11.05 "Эко-пойтахт". /рус/.
11.20 "Саломат бўлинг!"
11.35 "Аҳмад қаерда?" Б/ф.
13.00 "Салом, Тошкент!"
14.00 Тв-монолог.
14.10 "Дунё". теледастури.
15.00 "Пойтахт".
15.15 "Тақдир тухфаси". Т/с. 30- қисм.
15.40 "Карвонсарой".
15.50 "Винни Пух". М/ф. 2-қисм.
16.30 Тошкент тароналари.
16.40 "Миттивойлар оиласи".
17.00 "Қонун доирасида".
17.15 "Санъатимиз хазинасидан".
17.30 Миллий т/с: "Дил пайванди". 20-қисм.
18.00 "Пойтахт".
18.30 "Дурдона".
18.45 "Ҳаёт фалсафаси".
19.00 "Интеллектуал аукцион".
19.15 "Моҳият".
19.35 Тошкент тароналари.
19.45 "Телекурьер-маркет".
20.00 "Пойтахт".
20.25 "Эко- пойтахт".
20.35 "Шаҳзоданинг қўшиғи". Т/с. 37- қисм.
21.10 Бизнес "Пойтахт".
21.20 Тошкент тароналари.
21.30 "Телекурьер-маркет".
21.40 "Интервью".
21.50 "Ғазал бўстони".
21.55 "Фан ва тараққиёт".
22.15 "Ўйларим".
22.20 "Репортаж". /рус/.
22.30 "Пойтахт". /рус/.
22.55 "Кино SMS со звёздами".
23.00 "Тюльпан в снегу". Х/ф.
00.05 Кўрсатувлар тартиби.
00.10 "Все о туризме".
00.40 "Иллюзия полёта". Х/ф.
2.40 "Ўйларим".
2.45 "Менинг шаҳрим".
3.05 "Кусто командасининг сув ости саргузаштлари". Ҳ/ф. 121- қисм.
3.30 "Аҳмад қаерда?". Б/ф.
5.00 "Пойтахт".
5.25 "Бизнес- пойтахт".
5.30 "Салом, Тошкент!"
6.30 Миллий т/с: "Дил пайванди". 19-қисм.
7.00-7.25 "Пойтахт".

## SPORT

6.00 "Хайрли тонг!"
6.10 "Саломат бўлинг!"
6.35 "Баркамол авлод - 2011".
7.00 "Жаҳон спорти юлдузлари - Йохан Кройф".
7.25 Болалар майдончаси:
Тонгги гимнастика.
"Спортландия".
Мультфильм.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.15 "Саломат бўлинг!"
8.40 Интерфутбол.
10.25 "Қувноқ стартлар".
10.55 Велоспорт. "Фландрия тури".
12.00 "Футбол шарҳи".
13.00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
13.05 Болалар майдончаси:
"Спортландия".
Мультфильм.
13.35 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.
14.30 Футбол. Италия чемп. "Наполи" -- "Палермо".
16.10 "Баходирлар ўйинлари".
16.30 Болалар майдончаси:
"Спортландия".
Мультфильм.
17.00 ХАБАРЛАР.
17.20 Саломатлик хазинаси.
17.25 Футбол. Осиё ЧЛ. "Бунёдкор" (Ўзбекистон) - "Пирузи" (Эрон) Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
20.05 "Олимп сари".
20.25 Юнон-рум кураши. Ўзбекистон биринчилиги.
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 Саломатлик хазинаси.
21.55 "Биринчи лига". Тур ҳисоботи.
22.25 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.
23.30 Чоршанба дастури и.
23.40 Футбол. УЕФА ЧЛ. 1/ 4 финал. "Реал" - "Тоттенхэм". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
1.45 Тунги хабарлар.
2.05 Футбол. УЕФА ЧЛ. 1/ 4 финал. "Интер"- "Шальке-04".
3.50 Кёрлинг. Жаҳон чемпионати.
4.55 Юнон-рум кураши. Ўзбекистон биринчилиги.

## TV M

07.00 09.00 11.05 13.30 17.10 18.00 19.30 20.35 02.15 Ўзбек наволари
08.10 Т/с "Муҳаббат асираси"
09.40 Т/с "Скользящие"
10.30 "Топ-10"
11.30 "Путешествие Гулливера " х/ф
14.30 Prime time (рус)
14.40 Т/с "Муҳаббат асираси"
15.30 Мультфильм
17.30 "Премьера"
18.40 Т/с "Муҳаббат асираси"
20.00 "Сарафроз "Ўзбекистон"
21.10 Т/с "СКОЛЬЗЯЩИЕ"
22.00 "БЫСТРЫЙ И МЕРТВЫЙ" х/ф
00.10 Миксер
01.30 Т/с "Касл"
03.00-05.00 "ДЕНЬГИ НА ДВОИХ" х/ф

## БИРИНЧИ

04.00, 08.05 "Доброе утро"
08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости
08.35 Контрольная закупка
09.00 "Жить здорово!"
10.00 "ЖКХ"
11.20 Модный приговор
12.20 "Детективы"
13.00 Другие новости
13.25 Понять. Простить
14.20, 02.50 "Хочу знать"
15.00 Т/с "Обручальное кольцо"
15.50 Федеральный судья
17.00 Вечерние новости
17.20 Т/с "След"
18.00, 03.10 "Давай поженимся!"
18.55 "Пусть говорят"
20.00 "Время"
20.30 Т/с "Женские мечты о дальних странах"
21.25 "Свидетели"
22.20 Ночные новости
22.40 На ночь глядя
23.25 Х/ф "Я, снова я и Ирэн"
01.15, 02.05 Детектив "Убийство на базе "Президио"

## РОССИЯ 1

04.00 Утро России
08.05 "С новым домом!" Ток-шоу
09.00 "О самом главном". Ток-шоу
10.00 13.00 15.00 19.00 Вести
10.30 13.30 15.30 19.30 Вести-Москва
10.50 "Лучи смерти. Гиперболоид инженера Филиппова"
11.50 Т/с "Кулагин и партнёры"
13.50 Вести. Дежурная часть
14.05 Т/с "Ефросинья. Продолжение"
15.50 Т/с "Всё к лучшему"
16.55 Т/с "Институт благородных девиц"
17.55 "Прямой эфир"
19.50 Спокойной ночи, малыши!
20.00 Т/с "Дорогой мой человек"
22.50 Вести +
23.10 "Грозный. После ада"
00.00 Х/ф "Повесть непогашенной луны"
01.50 Т/с "Закон и порядок"
02.45 Х/ф "Стакан воды"

## НТВ

02:55 "НТВ утром".
06:30 Очная ставка.
07:30 13:30 16:30 Обзор. Чрезвычайное происшествие.
08:00 11:00 14:00 17:00 21:15 Сегодня.
08:20 Чистосердечное признание.
08:55 "До суда".
10:00 Суд присяжных.
11:25 "Прокурорская проверка".
12:40 "Давайте мириться!"
14:30 Т/с "Улицы разбитых фонарей".
17:30 Остросюжетный т/с "Лесник".
21:35 Детективный т/с "Терминал".
23:25 Квартирный вопрос.
00:25 Кулинарный поединок
01:25 Особо опасен!
02:00 Ты не поверишь!

## РОССИЯ К

05.30 "Евроньюс"
09.00, 14.30, 18.30, 22.30 Новости культуры
09.15 Главная роль
09.40 Х/ф "Изящная жизнь"
11.05 Док.камера. "Итальянская душа: влечение к России"
11.45, 17.35 Д/с "Картографы"
12.35 "Мой Эрмитаж"
13.05 Спектакль "Месье Ленуар, который..."
14.40 МультТ/с "Путешествие неразлучных друзей"
14.45 "Высокая горка". "Бабушка удава". М/ф
15.15 Т/с "Девочка из океана"
15.40 Д/с "Обезьяны-воришки"
16.05 "Монолог в 4-х частях". Станислав Говорухин
16.35, 00.35 Д/ф "Тель-Авив. Белый город"
16.50 Ф. Шопен. Концерт №2.
18.45 Торж. закрытие II межд. фестиваля М.Ростроповича.
19.45 "Больше, чем любовь"
20.25, 00.55 Academia.
21.15 "Апокриф"
22.00 "Парадный портрет власти". Исаак Бродский
22.50 Х/ф "Зеркало"
01.40 Д/ф "Феррара - обитель муз и средоточие власти"

## СТС

05:00 05:55 06:00 06:30 12:30 13:00 13:30 14:00 Мультсериалы
07:00 14:30 18:00 "Папины дочки".
08:00 19:00 "Воронины"
08:30 "Одна за всех"
09:00 22:50 23:00 "6 кадров"
11:30 "Ранетки"
16:30 "Галилео"
17:30 "Даешь молодежь! Бенефис"
Ана холос. Танимаган киши билан шунча гаплашган бўлсангиз, таниганингизда қанча сўрашардингиз, дегим келди. Унинг баланд тондаги овози, қўшнисининг ёмонлиги-ю келинойисининг тиллолиги тўғрисидаги гаплари жиғимга тега бошлади. Сал пастроқ гапирса ҳам эшитса керак, деб ўйладим ичимда. Лекин бошқа йўловчилар каби ўзимни бепарво тута бошладим. Иккита бекатдан кейин тушаман-ку, дея ўз-ўзимга тасалли бердим. Аммо шу пайтда автобуснинг орқа қаторидан яна битта эркак кишининг телефонда гаплашаётган овози кела бошлади. У бозордаги нарх-наво ва ишдаги муаммолари, қачон, қаерда нималар бўлганлиги тўғрисида узоқ вақт «муҳокама юритди». Манзилимга етгунимча ана шундай суҳбатлардан «баҳраманд» бўлиб кетдим. Уларнинг баланд овози бир-бирининг мулоқотига халақит қилмаётганига ҳайрон ҳам бўламан.

Бу каби ҳолатларга ҳаммамиз ҳам учраганмиз. Баъзилар кўчада қулоғига қулоқчин (наушник) тақиб олса бўлди, ўзини ўзга оламда юргандай ҳис қилиши ҳам бор гап. Кўпчилик қулоқчинни тақиб телефонда муомала қилар экан, атрофдаги одамларни унутиб қўяди.

Ўтган ҳафта кўчада қулоғида телефон тутиб олган бир ўсмирни кўриб, вазият тақозосига кўра гапларига қулоқ тутдим. Жараёнда мулоқотнинг асосий қисмида тилга олинган гаплар унча муҳим эмаслигига амин бўлдим. Ўртоқлари ўртасида кечган баъзи воқеларни «Ўшанда шунақа бўлувди-я?» деб гапириб бериши, ҳар икки гапининг бирида, «Яна нима янгиликлар?» деб қўйиши уларнинг аслида телефонда гаплашишга арзигулик гапи йўқлиги, аммо қандайдир атрофдигиларни ўзига тортишми, телефонда кўпроқ гаплашса обрўлироқ кўринаман, деган ўйми, уларни телефонда гаплашишга мажбур қилаётгандай туюлди. Айтмоқчи бўлганим, телефонлар шундай оммалашиб, ҳар сонияда хизматга тайёр дастёрга айланган экан, уни керакли ўринларда ишлатиш, унда гапириш мумкин бўлган ва бўлмаган гаплар ва мавзуларни ажратиб олиш, бошқачароқ айтадиган бўлсак, телефонда гаплашиш маданияти, таъбир жоиз бўлса, санъатини эгаллаш ҳам муҳим ва керакли бўлган ҳодисалар сирасига кириб бормоқда. Шу боис, бугун телефонда гаплашиш маданияти ҳақида фикр юритишни жоиз топдик. Ахир, бекорга баъзи ўринларда, «булар телефонда гаплашиб бўлмайдиган гаплар», деган жумлани ишлатмаймиз. Ҳар қандай ҳолатда ҳам телефондаги мулоқот одатийсидан фарқ қилади.

Қатор фарқли жиҳатлар мавжудлигига қарамай, телефонда гаплашиш умумий мулоқот маданиятининг бир қисми, бўлаги ҳисобланади. «Гапирувчи аппарат»нинг беминнат хизмати туфайли ишчанликни, фаолиятимиздаги самарани бир неча бор ошириш, кўп саволлар ва муаммоларнинг жавобини осонлик билан топиш, зарур пайтда хат, телеграмма йўллаш ёки бошқа шаҳарга қисқа муддатли саёҳат қилиш мумкин. Одатий мулоқот имкониятлари камлик қилган ҳолатларда телефон бизга ёрдамга келмоқда. Буларнинг ҳаммаси фақаттина рақамни териш ва чақирув тугмачасини босиш орқали амалга оширилади. Умуман олганда, телефонда гаплашиш иш фаолиятининг бир тури. Шу билан бирга, кундалик тарзимиздаги энг тезкор алоқа воситаси ҳисобланади. У жуда кўплаб муаммоларни ечишга, алоқа ўрнатишга ёрдам беради. Шу боис, телефонга тегишли сўзлашув қоидалари ҳам ишлаб чиқилган.

Шунча имкониятларни қамраб олган телефонда мулоқот олиб бориш, буйруқларни бажариш, илтимослар билан мурожаат қилиш, келишувлар ҳақида муҳокамалар ўтказиш мумкин. Аммо, бу ҳар қандай ҳолатда ҳам телефонда мулоқот олиб бориш мумкин, дегани эмас. Масалан, расмий ёки унча яхши таниш бўлмаган одамларни бирор байрам ёки тантана муносабати билан телефонда табриклаб, қайғули ҳолатларда телефон орқали ҳамдардлик билдириб бўлмайди. Агар иш юзасидан бирор инсонга мана шундай мақсадда мурожаат қилиш керак бўлиб қолса, бу шахсан мурожаат этиш ёки ёзма шаклда бўлиши зарур. Албатта, жуда яқин инсонларга нисбатан мустасно ҳолатлар ҳам бўлиши мумкин.

Шунингдек, телефондан ўз меъёрида фойдаланиш, мулоқот маданиятини ўзлаштириш нафақат атрофдаги одамлар учун ёқимли, балки соғлиқ учун ҳам фойдалилигини эътибордан четда қолдирмаслик керак. Fmnokia.net сайтида берилган маълумотларга кўра, электромагнит тўлқинларни ҳисобга олганда, мобил телефонларнинг айни кундаги авлодлари ҳам хавфсиз саналмайди.

**Бу соҳадаги мутахассисларнинг фикрига кўра эса телефондаги суҳбат қисқа ва жонли бўлиши зарур. «Бу ким?», «Мен қаерга тушдим?», «Ким телефон қиляпти?» каби саволлар билан мурожаат қилиш ножоиз ҳолатлар ҳисобланади. Қўнғироқнинг мақсади тўғрисида сўраш ҳам суҳбатдошда ижобий таассурот қолдирмайди. Кимлигини сўрашда ҳам унга ким сўраганини айтиб қўйсам бўладими, дейиш илтифот билан мақсадни амалга ошириш тури ҳисобланар экан.**

Телефондаги мулоқот масофаларни тан олмаган ҳолатда узлуксиз икки томонлама ахборотлар алмашинувини таъминлайди. Иш юзасидан мулоқот кетаётганда, айниқса, диққат билан гапириш зарур. Бундай ҳолатда, биринчи ўринда, ўз фикрларингизни асосли ва лўнда ифода қилишни ўрганишингиз керак. Америкалик менежер А.Маккензининг берган маълумотига кўра, акс ҳолда иш вақтининг 20-30 фоизи беҳудага сарфланади. Бу тадқиқотлар натижасида аниқланган. Иш жараёнида вақтнинг беҳуда сарфлашининг 15та сабабини ўрганиб чиқиб, берилган хулосага кўра, биринчи ўринни телефондаги мулоқот эгаллагани маълум бўлди. Шунингдек, 30-40 фоиз телефондаги сўзлашувни сўз ва ибораларни иккинчи марта қайтариш, керак бўлмаган паузалар (тўхташ), ортиқча сўзлар ташкил қилиши аниқланди.

Бу соҳадаги мутахассисларнинг фикрига кўра эса телефондаги суҳбат қисқа ва жонли бўлиши зарур. «Бу ким?», «Мен қаерга тушдим?», «Ким телефон қиляпти?» каби саволлар билан мурожаат қилиш ножоиз ҳолатлар ҳисобланади. Қўнғироқнинг мақсади тўғрисида сўраш ҳам суҳбатдошда ижобий таассурот қолдирмайди. Кимлигини сўрашда ҳам унга ким сўраганини айтиб қўйсам бўладими, дейиш илтифот билан мақсадни амалга ошириш тури ҳисобланар экан. Бундай саволга рад жавобни бериш қийинлиги ишни осонлаштиради. Суҳбатдош сўзлаётганда гапини бўлмаслик, охиригача эшитиш, тушунмаган жойларни ҳам мулойимлик билан сўраш ишнинг натижаси ижобий бўлишига хизмат қилади.

Психологлар аниқлашича, телефондаги мулоқотнинг узоқ давомийлиги жараёндаги эмоционалликнинг ошишига хизмат қилади. Ортиқча эмоционаллик эса тилнинг софлиги, жумлаларнинг тўғри тузилишига салбий таъсир кўрсатади.

Шунингдек, телефондаги узоқ вақтлик мулоқотлар ходимларнинг обрўсига салбий таъсир қилади. Демакки, телефондаги мулоқотни бошқариш санъати суҳбатдошдан қисқа хабар ва жавобни тезкор олишни ўз ичига қамраб олади. Япония фирмаларида ходимларни ишга олишда уларнинг қийин саволларга ҳам телефонда уч дақиқа ичида ечим топа олиши инобатга олинади. Иш бўйича олиб борилган телефондаги мулоқотнинг асосий муваффақиятли хусусиятларини эса қуйидагилар ташкил этади: асослилик, тактиклик, хайрихоҳлик, суҳбатни бошқаришни қўлга олиш, тезкор мақсадга ўтиш, муаммони тезлик билан ечиш ва суҳбатдошингиз фикрларига ўз фикрингизни билдириш. Бу одатий турмуш тарзидаги суҳбатларга кириб келса ҳам фойдадан холи бўлмайди. Яна бир муҳим жиҳат, нафақат иш юзасидан амалга оширилган мулоқот, балки одатий суҳбат ҳам сокин оҳангда олиб борилиши керак. Бу атрофимиздагиларга қулайлик туғдириш билан бирга, қўнғироқнинг самарасини оширади. Зотан, инглиз файласуфи Фрэнсис Бэкон айтганидек, хайрихоҳ оҳангда суҳбатни олиб бориш яхши сўзларни ишлатгандан кўра муҳим ва самаралироқдир.

Ўз ҳаётининг муҳим ҳодисаларини ким биландир масофалар билан ҳисоблашмаган ҳолатда ўртоқлашишни хоҳловчилар учун уяли алоқа айни муддао бўлмоқда. Уларнинг кўпчилиги эса телефоннинг инсон саломатлигига таъсири ҳақида ўйламаслиги кузатилган. Қуйидаги статистика мазкур фикрни исботлаб турибди. Уяли алоқа операторлари маълумотига кўра, 70 фоизга яқин фойдаланувчилар телефонда кунига 30 дақиқадан кўп гаплашади. 30 фоиз инсонлар эса 2та телефон аппаратига эга ва уларнинг иккаласидан бир вақтнинг ўзида фойдаланади. 40 фоиз фойдаланувчилар телефонни тунда ухлаш жараёнида бошидан 0,7 метргача бўлган масофада сақлайди. Фақат 20 фоиз фойдаланувчиларгина мобил телефоннинг инсон саломатлиги учун зарарли эканлигидан хабардор.

Бир тасаввур қилиб кўринг. Сиз бугун қўл телефонингизсиз кўчага чиқишингиз зарур. Қанча ноқулайликлар сизни кутмоқда. Масалан, мен бу ҳолатни тасаввур қилишга қийналаман. Фақат анча қийинчилик ва кўпгина муаммоларга дуч келишимнигина кўз олдимга келтира оламан. Демакки, шусиз ҳам телефон кундалик турмуш тарзимизнинг бир қисми. Уни янада ўзимизга боғлаш, керак-керак бўлмаган ҳолатларда ундан фойдаланишга чек қўйиш, телефонда гаплашиш маданиятини чуқурроқ ўзлаштиришимиз керак эмасмикин?

*Санобар ЖУМАНОВА*

# Янги фан доктори

**Мабодо йўлингиз тушиб, ТАТУ Фарғона филиалига ташриф буюрсангиз, ахборот технологиялари факултети декани, физика-математика фанлари доктори Акбарали Расулов ва унинг илмий изланишлари тўғрисида илиқ сўзларни эшитасиз.**

1982 йили ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)-нинг амалий математика ва механика факултетини аъло баҳолар билан тугатган Акбарали Расуловни Фарғона политехника институтига йўлланма билан ишга юборишди. Бу даргоҳдаги илмий муҳит Акбаралига катта ҳаёт сабоғини берди. Масалан, 1984 йилда институтда бўлиб ўтган халқаро илмий семинар мураккаб илмий жараёнларни компютерда моделлаштириш масалаларига бағишланиб, унда ўқилган маърузалар олим бўлиш орзусида юрган Акбаралининг тасаввурларини ағдар-тўнтар қилиб юборди. Таъбир жоиз бўлса, ёш йигит кўз ўнгида илм дунёсининг янги уфқлари очилгандай туюлди. Анжуманда машҳур академик Н.Тўраев, профессор Э.Парилис ва бошқаларнинг ўқиган маърузалари, айниқса, Акбаралида катта таассурот қолдирди.

Акбарали 1986 йилда шогирд-тадқиқотчи, 1988 йилдан ЎзФА Электроника институти аспиранти бўлган чоғида айнан ана шу йўналишда илмий изланишлар олиб боришга ўзида иштиёқ сезди. Бу борада унга академик олимлар Н.Тўраев, Ў.Расулов, профессорлар Э.Парилис, Ф.Умаров, А.Жўрахоловлар ёрдам беришди. Шундай қилиб, тадқиқотчи 1991 йили Электроника институти Ихтисослашган кенгашида "Ионларнинг субмоноқатламли сиртлардан сочилиши ва юпқа монокристалларда каналланиши" мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Ёш тадқиқотчига бу борада ТАТУ профессорлари Р.Ҳамдамов, М.Каримов, М.Мусаев, С.Ғаниевлар самимий ёрдам қўлини чўзишди.

2002-2006 йиллар изланувчан олим ҳаётида унутилмас йиллар бўлди. Шу йилларда у Япониянинг Кобэ университетида илмий анжуманда маъруза қилди, орадан кўп ўтмасдан, Белгия давлати "Илмий фонди" гранти ғолиблигини қўлга киритди ва Брюссел Мустақил университетининг "Қаттиқ жисмлар нурланиши физикаси" бўлимида илмий сафарда бўлди. Белгиялик олимлар билан бир йил давомида ҳамкорликда иш олиб бориш, шунингдек, АҚШнинг Феррис университетида 2006 йилда ўқилган маърузалар унинг докторлик илмий-тадқиқот ишини муваффақиятли давом эттиришига катта ёрдам берди.

2005 йилда республикамизнинг бешта вилоятида ТАТУ филиалларининг очилиши ҳақидаги Президентимиз қарори Акбарали ва унинг ҳаммаслакларини руҳлантириб юборди. Филиаллардан бирининг Фарғона шаҳрида очилиши эса айни муддао эди. Акбарали ҳеч иккиланмай янги ўқув юртига ишга ўтди ва энг масъул вазифалардан бири – ўқув ва илмий тадқиқот ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимида ишлаб, ўқув жараёнини йўлга қўйишга, ўқув-услубий ва илмий-тадқиқот ишларини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшди. Айни пайтда ўзи олиб бораётган илмий изланишларини якунлаш учун ҳам астойдил ҳаракат қилди.

Ниҳоят, А.Расулов 2010 йил апрел ойида ЎзФА Электроника ва ядро физикаси институтлари қошидаги ихтисослашган Илмий кенгашда ўзининг кўп йиллик меҳнати самараси – "Юпқа монокристаллардаги ўрта ва паст энергияли ионларнинг сочилиши ва имплантацияси жараёнларини каналланиш шароитида компютер моделлаштириши усулида тадқиқ қилиш" мавзусидаги докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Олимга ушбу қутлуғ илм даргоҳида физика-математика фанлари доктори илмий даражаси дипломи тантанали суръатда топширилди.

Олим тадқиқотининг мақсади, долзарблиги ва амалий аҳамиятини оддий сўз билан тушунтириш осон эмас. Мураккаб физик жараёнларнинг компютер моделини яратишга бағишланган бу тадқиқот, бизнингча, ҳозирги замон компютер тизими имкониятларининг нақадар улканлигини намойиш этибгина қолмасдан, компютерда моделлаштириш аҳамиятининг беқиёслигини ҳам исботлайди. Олдинги анъанавий услубда бир неча йилларга чўзиладиган тадқиқот-синов йўллари билан амалий натижага эришиш жараёнлари энди компютердаги моделлаштиришнинг ўзига хос самарали алгоритмлари ва дастурлари яратилиши орқали ғоят қисқа муддатларда бажарилади. Натижада ҳам вақтдан, ҳам маблағдан тежалади.

Мухтасар қилиб айтганда, бу масала ҳозирги куннинг долзарб масалаларидандир, чунки олинган материаллар наноўлчамли бўлиб, улар замонавий компютерларнинг янги тезкор қурилмаларини яратишда ҳам қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларидан фойдаланиш қамрови ҳам катта: физикавий электроника, микроэлектроника, компютер технологияси, нанотехнология, сирт диагностикаси ва материалларнинг сиртига ишлов бериш технологияси ва бошқалар.

Икки оғиз сўз ТАТУ Фарғона филиалидаги илмий-ижодий муҳит ҳақида. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг ҳар томонлама кўмаги, филиал раҳбариятининг қўллаб-қувватлаши натижасида ҳозир иккита докторлик ва бешта номзодлик диссертацияларини ҳимояга олиб чиқишга тайёргарлик кўрилмоқда. Энг қувонарлиси, кейинги пайтларда талабаларнинг устозлари билан ҳамкорликда олиб бораётган илмий тадқиқотлари сони сезиларли даражада кўпайди. Филиалда ёшларга сабоқ бераётган А.Аҳмедов, Ж.Суюмов, Б.Азамхонов каби шогирд тадқиқотчилар, М.Ҳайдаров, Д.Раҳмонов сингари магистрлар, ўндан ортиқ бакалавр босқичи дипломантлари тажрибали профессор-ўқитувчиларнинг талабчан нигоҳи остида илмий изланишлар олиб бормоқдалар.

*Набижон СОЛИЕВ,*
*Шаҳобиддин ХОЛМАТОВ,*
*ТАТУ Фарғона филиали доцентлари*

## ZTE MF 180 – "Билайн" 3G-модемининг янги тури

**"Билайн" 3G-модемнинг ZTE MF 180 янги моделини тақдим этди.**

Янги мосламанинг корпуси барча ноёб имкониятлар ва 3,6 Мб/секундгача тезликда HSDPA/UMTS 2100 МГц ва EDGE/GPRS/GSM (850/900/1800/1900 МГц) диапазонларда ишловчи USB-девайс афзалликлари сақлаб қолинган ҳолда янада кичрайтирилди. "Билайн" ZTE MF 180 Windows 2000/XP/Vista/Win7, Mac OS 10.4 ва ундан юқори бўлган амалиёт тизимларига мос тушади. Мосламани ўрнатиш учун битта USB-порт ва қаттиқ дискда 50 Мб ҳажмда бўш жойнинг ўзи кифоя.

Эслатиб ўтамиз, 2011 йилнинг май ойи охиригача "USB-бонус" акцияси амал қилмоқда. Акция доирасида ҳар бир абонент "USB-модем Билайн" хизматини атиги 85 000 сўмга улаб, ZTE MF 180 3G-модемни ҳамда 2012 йилнинг охирига қадар ҳар ойда бонус тариқасида 50 Мегабайтни қўлга киритади.



3G-модем сафарларда ёки, масалан, кўпчилик ҳолларда интернетга уланишнинг бошқа усуллари бўлмаган шаҳардан чекка жойларда жуда қулай мосламадир. Улар ҳам 2G, ҳам учинчи авлоднинг юқори тезликдаги тармоқларида ишлай олади. Қулай меню ёрдамида фойдаланувчи ўз балансини текшириш, ҳисобини тўлдириш, тариф режаларини танлаш ва турли қўшимча хизматларни ёқиш имкониятига эга. Шунингдек, абонент ўз компютеридан SMS-хабарларни жўнатиши ва қабул қилиши мумкин. Комплектда USB-модем билан бирга, мазкур хизмат учун мўлжалланган "Клик Модем" имтиёзли тарифли SIM-картаси берилади.

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

**"Бухоро Телеком" филиали хамда вилоят алока ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси жамоалари филиал ходими Жума РАЖАБОВни кутлуғ 60 ёши билан чин юракдан табриклайди. Унга узоқ-умр, мустахкам соғлик, ишларида муваффакиятлар тилайди.**

**"Қашкаларё Телеком" филиали жамоаси Қамаши телекоммуникациялар боғламаси бош мухандиси Абдурасул ЁҚУБОВ хамда боғлама электромонтёри Абдурахим МИРЗАЕВларни кутлуғ 50 ёшни карши олишлари муносабати билан муборакбод этиб, мустахкам соғлик, ишларида муваффакиятлар тилайди.**

## UCELL: Уланинг ва Android смартфонга эга бўлинг!

**UCell мобил алока оператори ўзига хос «Регистон» пакетини таклиф кила бошлади.**




Мазкур пакетни харид қилган абонент IDEOS смартфонини ҳам қўлга киритади.

Айни пайтда, IDEOS (**Huawei U8150**) смартфонидан ташқари, «Регистон» пакети билан бирга, абонентга истаган Prepaid тизимидаги тариф режасига эга SIM-карта, 2GB SD хотира картаси, 3 ой давомида ҳар ойда тармоқ ичида 200 бепул дақиқа, бепул 200 SMS, 200 MMS ва 20Мб интернет трафиги тақдим этилади.

IDEOS смартфони, кичик бўлишига қарамай, мобил тармоқларининг барча замонавий имкониятларидан фойдаланишга имкон беради. Ушбу смартфон катта эмас, оғирлига атиги 120 г., кенглиги 2,8" ва 240x320 пикселли QVGA экранга эга.

Биринчи навбатда, айтиб ўтиш жоизки, мазкур смартфон 3G, шу жумладан, HSDPA тармоқларида ишлай олади ва бу интернет билан боғланишни 7,2 Мбит/с тезликкача олиб чиқишга имкон яратади. Шу билан бирга, аппаратни компютерга улаб, ундан модем сифатида фойдаланса бўлади. Мазкур телефон EDGE/GSM/GPRS (850/900/1800/1900 МГц) тармоқларида ишлай олади.

Аппарат ичида 528 МГц частотали Qualcomm процессори ва 256 Мб оператив хотираси ўрнатилган 3.2 мегапикселли рақамли фотоаппарат мавжуд.

Телефонда Android амалиёт тизимининг энг сўнгги 2.2 шакли ўрнатилган. Android Market онлайн-хизматидан дастурлар сақлаб олиш, Google аккаунт билан синхронизация қилиш имкониятлари мавжуд. Шу билан бирга, Android тизимининг мазкур шакли афзалликларидан бири – Wi-Fi tethering (интернетга боғланишни WLAN-канал орқали бошқа жиҳоз ва аппаратларга тарқатиш). Мазкур аппарат симсиз модулларнинг барча турлари билан жиҳозланган, шу жумладан, Bluetooth ва навигация учун GPS.

Пакетнинг қиймати – 499 000 сўм.

# Катта шахмат байрами

**Аввал хабар берганимиздек, 27 март куни шахмат бўйича 2004 йилдаги жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов ва амалдаги жаҳон чемпиони Вишванатан Ананд (Ҳиндистон) ўртасида ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтди.**




Ўртоқлик учрашуви Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги, мамлакатимиз шахмат федерацияси ҳамда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан юртимизда шахматни янада оммалаштириш, ёш шахматчиларнинг маҳорат ва тажрибаларини ошириш мақсадида ташкил этилди.

Баҳс "матч-рапид" тартибида тўрт партиядан иборат бўлди. Унда Вишванатан Ананд 3,5:0,5 ҳисобида зафар қучди.

28 март куни В.Ананд, бир кундан сўнг Р.Қосимжонов "Ўзбекистон" спорт мажмуасида мамлакатимизнинг энг кучли ёш шахматчилари учун ўзига хос учрашув – семинар-тренинг ўтказишди.

Бир вақтнинг ўзида 20 нафар ёш шахматчиларимиз билан беллашган Ананд кўпчилик учун кутилмаганда Ўзбекистон аёллар терма жамоаси аъзоси Ҳулкар Тоҳиржонова ва 10 ёшли Темур Игонинга мағлуб бўлди. Шунингдек, Акмал Файзуллаев, Талгат Губайдулин, Мафтуна Маматқулова, Алишер Бегмуратов, Олег Артеменко ва Саидакбар Сайдалиев жаҳон чемпиони билан дуранг қайд этдилар.

Рустам Қосимжонов ёшлар ва аёллар терма жамоаси аъзолари билан 22 тахтада куч синашди. Иштирокчилардан ҳеч бири Рустамни мағлуб эта олмади. Фақатгина Юлдуз Ҳамроқулова, Мафтуна Маматқулова, Олег Артеменко, Улуғбек Тиллаев, Ортиқ Ниғматов ва Саидакбар Сайдалиевлар дуранг натижага эришдилар.

Шундай қилиб, уч кун давом этган шахмат байрами ушбу спорт тури ихлосмандлари ёдида узоқ вақт сақланиб қоладиган бўлди.

## Бир олтин, икки кумуш ва бир бронза

Таиланднинг Паттайя шаҳрида жорий йилнинг 25-28 март кунлари триатлон бўйича ўтказилган Осиё кубоги мусобақасида истеъдодли спортчиларимиздан Жавоҳир Юнусов Осиё кубоги мусобақасида олтин медалга сазовор бўлди.

У дуатлон бўйича ўтказилган баҳсларда эса иккинчи ўринни эгаллади. Триатлончи Шоҳрух Юнусов – иккинчи, дуатлончи Дмитрий Зайцев учинчи ўринни қўлга киритишди.

## Наманганда теннис турнири якунланди

Наманганда теннис бўйича хотин-қизлар ўртасида Халқаро теннис федерацияси мусобақалари тақвимига киритилган халқаро турнир якунланди.

Мусобақанинг жуфтлик беллашувларида бош соврин ўзбекистонлик теннисчилар – Нигина Абдураимова ҳамда Албина Хабибулина дуэтига насиб этди.

Яккаликлар ўртасида Хорватия вакиласи Ясмина Тинжич бош совринни қўлга киритди.

## Муайтайчиларимиз жаҳонда биринчи

Таиландда муайтайнинг WMF йўналиши бўйича ўтказилган VIII жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари еттитадан олтин ва кумуш ҳамда тўрт бронза, жами ўн саккиз медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

## Ўртоқлик учрашувлари

Ўтган ҳафтада бир қатор терма жамоаларимиз ўртоқлик учрашувларида иштирок этишди. Бир нечта етакчи футболчиларсиз тўп сурган миллий терма жамоамиз сафарда Черногорияга кичик ҳисобда имкониятни бой берди.

**ЧЕРНОГОРИЯ – ЎЗБЕКИСТОН – 1:0**

**Гол:** Симон Вукчевич (90).

Ўзбекистон ва Япония олимпия терма жамоалари Тошкентда икки бор баҳс олиб борди. Дастлабки учрашувда вакилларимиз зафар қучган бўлса, иккинчисида кунчиқар юрт вакилларининг қўли баланд келди.

**25 март. ЎЗБЕКИСТОН О.Т.Ж. – ЯПОНИЯ О.Т.Ж. – 1:0**

**Гол:** Абдуқаҳҳор Ҳожиакбаров (13).

**29 март. ЎЗБЕКИСТОН О.Т.Ж. – ЯПОНИЯ О.Т.Ж. – 1:2**

**Голлар:** О.Валижонов (82) – К.Хигаши (76), К.Нагаи (78).

Мексикада ўтадиган Жаҳон чемпионатининг финал қисмига ҳозирлик кўраётган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси эса Туркиядаги ўқув-машғулот йиғинлари доирасида "Зенит" клуби академияси устидан 3:0 ҳисобида зафар қучди. Шу куни голларга Аббос Махситалиев, Азизбек Муротов ва Тимур Ҳакимовлар муаллифлик қилишди.

## Рақиблар маълум

30 март куни ОФК қароргоҳида 2014 йили Бразилияда ўтказиладиган Жаҳон чемпионатининг биринчи ва иккинчи саралаш босқичига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.

Унга кўра, Ўзбекистон миллий терма жамоаси саралашнинг иккинчи босқичида қўшни Қирғизистон терма жамоаси билан ўйнайдиган бўлди. Учрашувлар 23 ва 28 июл кунлари ўтказилади.

Шунингдек, Олимпиада-2012 мусобақаларининг 2-саралаш босқичига ҳам қуръа ташланди. Ўзбекистон олимпия терма жамоаси 19 ва 23 июн кунлари Гонконг терма жамоасига қарши ўйнайди.

## "Ардус" муддатидан олдин чемпион

Пойтахтнинг "Ардус" клуби муддатидан илгари, бешинчи маротаба Ўзбекистон чемпиони бўлди. Сўнгги 2 йилда Александр Петров шогирдларига тенг келадиган жамоа топилмаяпти. "Чирчиқ-Максам" устидан 4:1 ҳисобида йирик ғалабага эришган "Ардус" чемпионликни расмийлаштирди.

Энди Петров шогирдлари Қатарда ўтказиладиган клублар ўртасидаги Осиё чемпионатида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қиладилар. Мусобақа шу йилнинг июн ойи охирларида бўлиб ўтади.

## Хоразмлик алоқачилар баҳси

2011 йил 26 март куни ТАТУ Урганч филиали қошидаги 1-сон Академик лицей спорт залида Хоразм вилояти алоқа тизимидаги филиал, корхона ва ташкилотларнинг аёллар жамоалари ўртасида "Наврўз" умумхалқ байрамига бағишлаб волейбол мусобақаси ўтказилди.

Мусобақада "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Хоразм филиали, Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали, "Хоразм Телеком" филиали ва вилоят ахборот-кутубхона маркази жамоалари иштирок этишди.

Жамоалар битта гуруҳдан жой олиб, ўйинлар давра тизимида ўтказилди. Натижаларга кўра, жамоалар қуйидаги ўринларни банд этишди:

**I ўрин:** "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Хоразм филиали.

**II ўрин:** ТАТУ Урганч филиали

**III ўрин:** "Хоразм Телеком" филиали

ЭЪЛОН!

**Тошкент ахборот технологиялари университети қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади**



**Доцентлар:**

Электроника кафедраси – 1; Физика кафедраси – 1; Маълумот узатиш тизимлари ва тармоқлари кафедраси – 1; Ўзбек ва рус тиллари кафедраси – 1.

**Катта ўқитувчилар:**

Маълумот узатиш тизимлари ва тармоқлари кафедраси – 1; Ахборот технологияларининг дастурий таъминоти кафедраси – 1.

**Ассистент (ўқитувчи)лар:**

Олий математика кафедраси – 1; Ахборот технологияларининг дастурий таъминоти кафедраси – 1; Радиоалоқа қурилмалари ва тизимлари кафедраси – 1; Маълумот узатиш тизимлари ва тармоқлари кафедраси – 1; Техник таълим педагогикаси кафедраси – 1; Чет тиллари кафедраси – 2; Радиотехника ва радиоалоқа кафедраси – 1; Алоқа қурилмалари электр таъминоти кафедраси – 1; Информатика ва компютер графикаси кафедраси – 1.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади. Танловда кўрсатилган лавозимлар бўйича фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етук мутахассислари қатнашишлари мумкин.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108. Тел: 238-64-06**

## ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан "MIKROS HSE" хусусий корхонасининг (Тошкент вилояти, Оҳангарон ш.) аризасига мувофиқ, маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001673 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2011 йил 23 мартдан тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан "FURQAT INTERNET SIFAT" хусусий корхонасининг (Қарши ш.) аризасига мувофиқ, ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003273 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2011 йил 24 мартдан тугатилди.

**Ўтганларнинг охирати обод бўлсин**

Давлат алоқа инспекцияси жамоаси Андижон вилоят Давлат алоқа инспекцияси собиқ ходими, меҳнат фахрийси **Фозилжон РЎЗМАТОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.



# Келинг, бир кулишайлик!



*Муҳиддин Дарвеш ҳангомалари*

## Кулишмай кетмайлар

Соч-соқолларини олдириб, одам башара қилиб қўйайлик, деб сартарошни чақиртирдик. Вей, шунданам майнавозчилиқ топишибди-да!

— Мамарайим ўртоқ, — дебди Абдурайим, — бир кулишмаймизми?

— Нима қиламиз?

— Ана кўряпсан, сартарош ҳамманинг сочини оляпти. Ҳадемай бизга ҳам навбат келади. Ке, сенинг бошингга мих қоқиб қўямиз. Сартарош сочингни олаётганда машинаси михга тегиб синиб қолади. Роса куламиз!

— Э, гап йўқ! — деб Мамарайим мих билан болға топиб, ўртоғига узатибди.

Абдурайим энди михни Мамарайимнинг бошига қўйиб болға билан ураман деб турса, ўртоғи дермиш:

— Ҳой-ҳой, эҳтиёт бўлиб қоққин! Яна михга ураман деб болғани бошимга уриб олмагин!

## Сиз нима кутяпсиз?

Иккита ҳомиладор аёл ҳасратлашиб қолибди:

— Ҳай, Қулпинса, сиз нима кутяпсиз?

— Мен ўғил кутяпман. Дадаси уч йилдан буён орзу қилади. Ўзингиз нима кутяпсиз?

— Мен қиз кутяпман. Қиз жуда яхши бўларкан. Бир-икки йилда қўлингиздан супургини оларкан...

Уларнинг бекатда бўлаётган бу суҳбатини тўрт яшар қизча эшитиб турган экан. Хотинлар жўнабди, уларнинг ўрнида қорни катта эркак пайдо бўлибди. Қизча у кишининг бир қорнига, бир афтига қараб ҳайрон бўлармиш.

— Ҳа, қизим, намунча менга тикилиб қолдинг? — сўрабди эркак.

— Амаки, — дебди қизча, — сиз нима кутяпсиз?

— Мен автобус кутяпман, — жавоб берибди эркак.

— Вой, б-ў-ў-ўй! — дермиш қизча.

## Нега ҳанграйди?

Афандининг эшаги бир йўловчининг рўпарасига борганда ҳанграб юборибди.

— Нимага бу эшагинг ҳанграйди? — дебди йўловчи жаҳл билан.

— Бу мол эмас, эшак, ҳанграйди-да! Мол бўлганда эди...

— Нега энди айнан менинг олдимга келганда ҳанграйди? — йўловчи Афандининг сўзини бўлибди.

— Бу ўз номи билан эшак, хоҳлаган жойида ҳанграйвераdi-да. Тилимга тушунса экан, «Бу ерда ҳанграмагин, ҳў аканг кетяпти, у кишидан ўтгандан кейин ҳангра!» деб қўйсам...

— Нега энди у айнан менинг олдимга келганда ҳангради, деяпман! — йўловчи қўлини пахса қилиб ўдағайлай кетибди. — Ё бунинг кимлигимни билмайдими? Устидан ёзиб, адабини бериб қўйсам, кейин билади-да ким эканлигимни!

Афанди йўловчининг иғвогар эканлигини англабди:

— Қаранг, ака, — дебди кулиб, — олдин бизи эшак ҳанградди, кейин сиз. Эшак эшакни кўрганда ҳанграркан-да, а?

*Антиқа саволлар*

## Абдулла қизиқнинг антиқа жавоблари

**Саволлар:**

1. Олти волтли аккумулятор одамни ўлдирадими?
2. Эшак бўлган яхшими ёки ахмоқ?
3. Фақат ойлик билан кун кўрса бўладими?
4. Хотин киши эркакни миллионерга айлантира оладими?
5. Светофорнинг қизил чироғида йўлни кесиб ўтиш мумкинми?
6. Иккита хотини бор одамга қандай жазо бериш керак?
7. Бошлиқлар нима учун хушомадгўйларни ёмон кўришади?
8. Айрим қўшиқчиларимиз нима сабабдан кўзларини юмиб олиб ашула айтишади?
9. Нима учун чукчалар чақмоқ чаққанда осмонга қараб тиржайиб туришади?

**Жавоблар:**

1. Албатта. Фақат у жавон устидан бошингизга тушиб кетса.
2. Ахмоқ бўлган маъқул, кўпчиликнинг ичида унча билинмайди.
3. Билмадик. Чунки тажриба қилиб кўрмаганмиз.
4. Мумкин. Агар эркак миллиардер бўлса.
5. Албатта. Фақат иккала қўлни тепага баралла кўтариб олмоқ керак. Шифохонада ечинтиришлари осон бўлади.
6. Бундай эркакка яна битта хотин олиб бериш керак. Учаласининг ўртасида зир югуравериб ўзи ўлиб кетади.
7. Чунки хушомадгўй бошлиқнинг ёшлик йилларини эсга солиб туради.
8. Қўшиғимни тинглаб қийналаётганларни кўрмасам, дейди.
9. Бизни осмондан туриб суратга олишяпти, деб ўйлашади.

*Замонавий масаллар*

### ТУЛКИ ВА ТОВУҚ КАБОБ

Тулкидан сўрашибди:

— Тулкихон, товуқ кабоб ейсанми?

Тулки бепарволарча жавоб қайтарибди:

— Қўй, одамнинг кулгисини қистатма.

### ПАШША ВА ҲЎКИЗ

Пашша ҳўкизнинг шохига қўниб, гердайган-ча сўрабди:

— Оғирлигимдан шохинг роса азият чекаётган бўлса керак-а?

Ҳўкиз:

— Ия, пашшахон, қачон келдинг, — дермиш.

### ЧАЁН ВА ҲУРМАТ

— Сен нега қишда ташқарига чиқмайсан? — деб сўрашибди чаёндан.

— Эҳ, оғайни, ёзда чиқиб не ҳурмат кўрдимки, қишда ҳам чиқсам.

***Ҳамза ЁҚУБОВ***

*Турфа латифа*

Келин-куёвни никоҳ уйига олиб борадиган машина пешанасига қўндирилган икки никоҳ узук белгиси нимани англатади, деб ўйлайсиз?

— Дастлабки ҳисоб — 0:0.

* * *

ДАН ходими бир машинани тўхтатса, рулда собиқ муаллимаси ўтирган экан.

— Ассалому алайкум, Саврихон Раҳматовна. Қани, ручка, қоғоз олиб юз марта «Мен бошқа йўл ҳаракати қоидасини бузмайман», деб ёзинг-чи!

* * *

Бош тренер ёрдамчисига деди:

— Бугундан бошлаб назария билан шуғулланишни бас қиламиз.

— Нима учун?

— Зарба беришдан олдин бизнинг футболчиларимиз тўпни қанақа қилиб тепсам экан, деб кўп ўйланиб қолишяпти.

* * *

Талабалар тўйи.

— Нега келин ҳеч нарса емаяпти?

— У ўртага пул ташламаган эди, шунга.


Xabar

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир: Абдусаид КЎЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ҳаким МУҲИТДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асаджон ХЎЖАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шуҳрат СОДИҚОВ, Шуҳрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
**Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.**
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

**Тижорий материал —**
Реклама матнларининг тўғрилигига таҳририят жавобгар эмас.
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.



МАНЗИЛИМИЗ:
100043, Тошкент,
Бунёдкор шоҳкўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz



*Обуна индекси — 228.*

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: **Аслиддин БЎРИЕВ.**
Навбатчи: **Лутфилло ТУРСУНОВ.**

**Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.**

**Газета ҳафтанинг жума куни чиқади**

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
**Манзил:** Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

G-402 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 16244 нусха.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.



Вилоят мухбирлари:

| Андижонда | Бухорода | Гулистонда | Жиззахда | Навоийда | Наманганда | Нукусда | Самарқандда | Термизда | Тошкентда | Урганчда | Фарғонада | Қаршида |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 226-47-80 | 223-27-85 | 40-12-19 | 226-06-34 | 225-91-10 | 226-61-85 | 554-35-45 | 233-61-81 | 224-06-12 | 288-40-66 | 226-37-16 | 226-87-71 | 314-08-99 |


1 345